



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 29 » mart

№ 161

Toshkent sh.

“Ўзсаноатқурилишбанк” акциядорлик тижорат банкини Халқаро молия корпорацияси иштирокида хусусийлаштириш ва трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” 2020 йил 12 майдаги ПФ–5992-сон Фармони ижросини таъминлаш, “Ўзсаноатқурилишбанк” акциядорлик тижорат банкининг рақобатбардошлиги ва инвестицион жозибардорлигини юқори даражага кўтариш ҳамда келгусида хусусийлаштириш учун “Ўзсаноатқурилишбанк” акциядорлик тижорат банки фаолиятини жаҳон тажрибаси асосида трансформация қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

2019 йил 5 июлда “Ўзсаноатқурилишбанк” акциядорлик тижорат банкининг (кейинги ўринларда – Банк) фаолиятини институционал ўзгартириш ва замонавий бизнес моделини жорий этиш бўйича Банк ва Халқаро молия корпорацияси (кейинги ўринларда – ХМК) ўртасида лойиҳага хизмат кўрсатиш келишуви имзоланганлиги;

ХМК томонидан ажратиладиган кредитни тўлиқ ёки унинг бир қисмини Банкнинг қўшимча чиқариладиган оддий акцияларига конвертация қилиш имконияти билан 75,0 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит линияси очилиши тўғрисида битим имзоланиши режалаштирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, Банк фаолиятининг мустақиллигини таъминлаш мақсадида хусусийлаштиришга тайёргарлик кўриш жараёнида 2021 йилнинг декабрь оyi охиригача қуйидагиларни назарда тутувчи чора-тадбирлар (келгуси даврларда уларга тўлиқ рiоя этилиши таъминланади) амалга оширилади:

Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат активларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 26 апрелдаги 356-сон қарорининг 1 ва 2-бандларида назарда тутилган тартибни Банк кузатув кенгаши аъзолигига ва бошқарувига номзодларни кўрсатиш ва тайинлашга нисбатан татбиқ этмаслик;

Банк кузатув кенгашининг янги таркибини банк стратегияси йўналишидан келиб чиққан ҳолда халқаро банк тажрибасига эга мустақил аъзоларни жалб қилиш ва уларнинг сонини беш нафарга етказиш (Банк кузатув кенгаши аъзолари сони тўққиз нафар эканлиги инобатга олиниб) орқали шакллантириш;

Банк кузатув кенгаши ҳузуридаги қўмиталарни шакллантиришда халқаро амалиёт талабларини инобатга олган ҳолда қўмиталар таркиби асосан мустақил аъзолардан иборат бўлишини ва/ёки уларнинг қўмиталар раислигига тайинланишини таъминлаш;

Банк кузатув кенгаши аъзоларини рағбатлантириш ва мукофотлаш тизимида халқаро тажриба стандартларини қўллаш;

Банк кузатув кенгаши томонидан Банк ижро этувчи органини, шунингдек ижро этувчи орган аъзоларининг (бошқарув раиси ва аъзолари) меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорини бозор амалиёти стандартлари ва Банкдаги меҳнат самарадорлигини баҳолаш тизимидан (KPI) келиб чиққан ҳолда шакллантириш ва белгилаш;

Банкка алоқадор шахслар, шу жумладан давлат улуши мавжуд хўжалик жамиятлари билан ҳар қандай операцияларни тартибга солувчи сиёсатни жорий қилиш ва унга риоя қилиш;

ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига киритилган лойиҳаларни молиялаштиришда операцион мустақиллик, бозор тамойиллари ва хатарларни бошқариш тизимидан келиб чиққан ҳолда Банкнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан мустақил равишда, Банк сиёсати асосида қарор қабул қилиш;

банк фаолиятига хос бўлмаган йўналишда тижорат ташкилотларининг устав фонди (капитали)га Банк маблағларини инвестиция тариқасида жалб қилишни ман этиш.

3. ХМКнинг Банк акциядорлари таркибига кириш тўғрисидаги тегишли хабарномаси олингандан сўнг (бундай хабарнома олингандан кейин 90 кундан кечиктирилмаган муддатда) куйидаги чора-тадбирлар амалга оширилсин:

Банкни Вазирлар Маҳкамасининг котибиятларига бириктирилган вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари рўйхатидан чиқариш;

мустақил директорлар орасидан Банк кузатув кенгаши раисини сайлаш.

4. Молия вазирлиги Банк билан биргаликда ХМК ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда Банкни хусусийлаштириш жараёнининг асосий босқичларини ҳамда корпоратив бошқарув тузилмасига ўзгаришлар киритишга ва ахборотни ошкор қилиш амалиётини жорий

қилишга йўналтирилган тадбирларни, шунингдек, томонларнинг Банкни хусусийлаштириш жараёнини амалга оширишга доир мажбуриятлари 2023 йил якунига қадар бажарилишини назарда тутадиган “йўл харитаси”ни (кейинги ўринларда – “йўл харитаси”) икки ой муддатда ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Банк кузатув кенгаши ва бошқарувига:

бош офис ва филиаллар тармоғи ходимларини рағбатлантириш механизмига юкланган вазифаларнинг бажарилиши, шу жумладан миждозларнинг садоқати ва қониқиш даражасидан келиб чиққан ҳолда меҳнат самарадорлигини баҳолаш тизимини (KPI) жорий этиш жараёнини жадаллаштириш;

Банкнинг инвестиция фаолияти натижасида харид қилинган ва банк фаолиятига хос бўлмаган активларни сотиш. Активларни улар савдога қўйилган муддатдан бошлаб 3 ой давомида баҳолаш (бозор) қийматида сотиш (улушни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда сотиш) имкони бўлмаганда, уларнинг бозор нарҳини номинал қийматгача камайтириш ва ушбу масалани Банк кузатув кенгаши йиғилишида кўриб чиқиш;

Банк акциядорларининг манфаатларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан, банк активлари ва кредит портфели тузилмасини такомиллаштириш, шунингдек, хорижий валютадаги кредитлар улушини камайтириш бўйича самарали чоралар кўриш;

банк хизматларининг жозибадорлигини ошириш, замонавий ва масофавий молиявий хизмат турларини, IT-технологияларни қўллашни кенгайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини (айниқса, таваккалчиликларни бошқариш, IT соҳасида) мунтазам равишда такомиллаштириш тавсия этилсин.

6. Молия вазирлиги ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг қуйидагиларни назарда тутувчи таклифларига розилик берилсин:

“йўл харитаси”га мувофиқ 2023 йил охирига қадар Банкни хусусийлаштириш ва банк устав фонди (капитали)даги давлат улушини 50 фоиздан камайтириш;

Банк ва ХМК ўртасидаги кредит битимида назарда тутилган шартлар асосида Банкнинг кредит бўйича ХМК олдидаги қарздорлигининг жами суммаси ёки бир қисмини банк томонидан қўшимча чиқариладиган оддий акцияларга конвертация қилиш имкониятини бериш;

Банк “йўл харитаси”да кўрсатилган муддатгача хусусийлаштирилмаган ёки ушбу қарорнинг 7-бандида қайд этилган битимлар шартлари бажарилмаган тақдирда, Банкнинг ХМКга тегишли оддий акцияларини қайта сотиб олиш бўйича давлат мажбуриятини қабул қилиш.

7. Ўзбекистон Республикаси молия вазирига Ўзбекистон Республикаси номидан музокаралар олиб бориш ваколати берилсин ва Ўзбекистон Республикаси номидан ҳаракат қиладиган Молия вазирлиги, Тикланиш

ва тараққиёт жамғармаси (кейинги ўринларда – ТТЖ) ҳамда ХМК ўртасида белгиланган тартибда қуйидаги битимлар тузилиши маъқуллансин:

ушбу лойиҳани амалга ошириш учун томонлар мажбуриятлари, шу жумладан, Банкдаги давлат назорат пакетини камайтириш тартиби, муддати ва усуллари, шунингдек, Банк фаолиятини тижоратлаштиришга эришиш ва унинг операцион мустақиллигини оширишга доир чора-тадбирлар кўрсатилган имплементация тўғрисидаги битим;

ХМК билан кредит битимининг амал қилиш муддати давомида Банк устав фонди (капитали)даги давлат улушини камида 50 фоиз ва бир дона акция миқдорида сақлашни назарда тутадиган (давлат томонидан “йўл харитаси”га мувофиқ ўз мажбуриятларини бажариш ҳоллари бундан мустасно) устав фонди (капитали)даги миқдорни сақлаш тўғрисидаги битим;

Банкнинг тақдим этилган кредит бўйича ХМК олдидаги қарздорлигининг жами суммаси ёки бир қисмини Банкнинг қўшимча чиқарилган оддий акцияларига конвертация қилиш опционини ХМК томонидан амалга оширишда тузиладиган ва Молия вазирлиги, ТТЖ ҳамда ХМКнинг Банкни бошқариш бўйича ваколатлари аниқ кўрсатилган акционерлик битими;

давлат ва/ёки Банк томонидан “йўл харитаси” ва битимлар шартлари бажарилмаган тақдирда, Банкнинг ХМКга тегишли бўлган акцияларини Банкнинг тақдим этилган кредит бўйича ХМК олдидаги қарздорлигининг жами суммаси ёки бир қисмини Банкнинг қўшимча чиқарилган оддий акцияларига конвертация қилиш опционини ХМК томонидан амалга оширишда тузиладиган шартномада белгиланган тартибда ТТЖ томонидан қайта сотиб олиш бўйича давлат мажбуриятларини ўз ичига оладиган акцияларни қайта сотиб олиш тўғрисидаги битим;

ушбу лойиҳа ва “йўл харитаси”ни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа битимлар.

8. Белгилаб қўйилсинки:

а) “йўл харитаси” ва битимлар шартлари давлат томонидан бажарилмаган тақдирда, ТТЖ:

акцияларни қайта сотиб олиш тўғрисидаги битимга мувофиқ акциялар қиймати тўланишини таъминлайди;

Банкнинг ХМКга тегишли бўлган акцияларини биржа ёки биржадан ташқари савдоларга қўймасдан, тўғридан-тўғри битимлар тузиш орқали сотиб олиш ҳуқуқидан фойдаланади;

б) ТТЖнинг Банк устав фонди (капитали)даги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 13 ноябрдаги ПҚ–4015-сон қарорига мувофиқ киритилган 50 млн АҚШ доллар эквивалентидаги улуши Банкни хусусийлаштириш жараёнида инвесторларга сотилади.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси молия вазири Т.А. Ишметов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов